

ЎЗБЕКИСТОН ФАЛСАФА ТАРИХИ РИВОЖИДА НАЖМИДДИН КОМИЛОВ ТАСАВВУФШУНОСЛИК МАКТАБИНИНГ ЎРНИ ВА ИЗДОШЛИК АНЬАНАЛАРИ

Замирахон Рухитдиновна Исақова

фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор в.б.

Наманган давлат университети, Ўзбекистон

ms.zamiraxonisaqova@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Маънавий қадриятлар такомилида ўзига хос ўрин тутган тасаввуф таълимотининг шаклланиш жараёни, генезиси, эволюцияси, тарихий ўрнини кўрсатиш, тасаввуфга доир манбаларни холис тадқиқ этиш ва унинг гуманистик ва аксиологик ғоялар билан уйғунлашиб, жаҳоншумул бадиий ижод намуналари бунёд этилишига замин яратгани дастлаб тасаввуфшунлс олим Н.Комилов томонидан тадқиқ этилган. Мақолада Ўзбекистон фалсафа тарихи ривожида Н.Комиловнинг тасаввуфшунослик мактабининг ўрни ва издошлик анъаналари тизимли таҳлил асосида очиб берилган.

Калит сўзлар: фалсафа тарихи, тасаввуф, тасаввуфшунослик мактаби, Н.Комилов, издошилик, қиёсий тасаввуфшунослик, ирфон, истилоҳ.

ABSTRACT

The process of formation of the Sufi doctrine, which occupies a special place in the development of spiritual values, genesis, evolution, its historical place, an objective study of the origins of Sufism and its connection with humanitarian and axiological ideas, laid the foundation for creating a world-class work of art, was first studied by the Sufist scholar N. Kamilov. Based on a systematic analysis, the article reveals the role of N.Kamilov's school of Sufism in the development of the history of philosophy of Uzbekistan and the tradition of continuity.

Keywords: history of philosophy, sufism, school of sufism, N.Kamilov, continuity, comparative sufism, irfan, terminology.

КИРИШ

Бугунги инсоннинг ақлий кашфиёти, интеллектуал салоҳияти беҳисоб ва ҳайратланарли даражага етган даврни рақамлашган дунё бошқармоқда. Аммо башарият маънавий камолот, ахлоқий етуклик нуқтаи назаридан рақамлашган дунё билан тенглаша

олмаяпти. Ҳаттоки, айрим ахлоқий меъёрлар ва тамойиллар ҳали ҳам тубан даражада эканлиги сир эмас. Тасаввуф таълимотининг юксалган даври – X-XIII асрлар маънавий тараққиёти чўққисидан қараладиган бўлса, инсоният XXI асрда тасаввуф таълимотининг гуманистик ғояларига янада кўпроқ муҳтож бўлмокда. Бу жараён шундай давом этса, бунинг охири хатарли оқибатлар билан якунланиши муқаррар. Зеро, ворисийлик ва замонавийлик анъаналарини қайта таҳлил қилиш, илм, ахлоқ ва маънавиятни уйғунлаштирган тасаввуф оламини янгидан кашф этиш бугуннинг заруриятидир. Тасаввуфда инсонга муҳаббат, ҳаётга ташналиқ, футувват ва жавонмардлик каби олийжаноблик, вафо ва садоқат каби маънавий қадриятлар мужассам. Тасаввуфда ҳамма нарса инсон қалбининг гўзаллиги, ахлоқий камолоти, пок ишқи ва маърифати орқали кашф этилади.

Тасаввуф яхлит дунёқараш бўлиб, диний тамойиллар дунёвийликни, дунёвий тамойиллар динийликни инкор этмайди, аксинча, моддийлик ва илоҳийлик, дунёвийлик охират билан чамбарчас боғлиқ, ҳадисга таянган ҳолда, дунёни “охират экинзори” деб талқин этади.

Тасаввуф инсонни фикр эркинлигига чорлайди, инсоннинг “ҳазрати инсон” экани, жисм ва рух бирлигидан таркиб топган инсоннинг борлиқ билан бевосита боғлиқлиги, инсоннинг қалби Аллоҳнинг жамоли акс этадиган “мазҳар”лиги, инсон ана шу юксак мақомнинг улуғворлигини англаши ва бу мақомга лойик бўлиши керак. Бу каби эзгу ғоялар замирида инсон ахлоқини поклаш, комилликка интилиш каби буюк мақсад мужассам.

Истиқлол туфайли мамлакатимизда барча соҳалар каби илм-фанда ҳам тубдан юксалиш даври бошланди. Бу фалсафа тарихи, шунингдек, тасаввуф таълимотини ҳам янгича рух ва аспектларда тадқиқ этиш имконини юзага келтирди. Бу борада илк қадам ташлаган тасаввуфшунос олим, устоз, филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов [1] бўлдилар.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Устоз Н.Комиловнинг “Тасаввуф” [2] китоблари барча учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилди. Шу билан бирга, тасаввуф таълимотининг илк тадқиқи ва кейинги тараққиёти учун тамал тоши бўлиб, бир вақтлар четга суриб қўйилган, манъ этилган, ўтмиш билан бугун ўртасида бузиб ташланган кўприкнинг қайта тикланишига эришилди.

Тасаввуф таълимотининг сир-асори ҳақида ёзиш учун ҳам диний, ҳам дунёвий билимларни пухта эгаллаш, ақлий-назарий мушоҳадакорлик ҳамда ҳиссий-образли тафаккур

талаб этилади. Тасаввуфни англамасдан туриб, миллий маънавият тарихи, Шарқ фалсафаси, адабиёти ва маданиятини мукаммал ўрганиб бўлмайди. Устознинг эътирофларига кўра, ислом тарихи тасаввуф тарихи билан бирга олиб қаралгандагина тўғри ёритилиши мумкин. Тасаввуф мутлақ илоҳни таниш ва севиш, авлиёлар эътиқодидан туғилган, покиза ахлоқ ҳақидаги илмдир [3].

Устоз Н.Комиловнинг тасаввуфнинг бадиий ижод ривожига таъсири билан боғлиқ масалаларга бағищланган тадқиқотлари қўйилган муаммоларнинг кўлами, тадқиқот обьекти ва илмий янгилиги билан диққатга сазовор бўлиб, бу таржима ва қиёсий адабиётшунослик, таржима тарихининг назарий масалалари таҳлилидаги юксак салоҳиятларида, матншунослик ва адабий жанрлар тараққиёти билан боғлиқ масалаларни талқин қилиш қобилиятларида, тасаввуф тарихи, асосий йўналишлари, тариқат, шариат, ҳақиқат истилоҳларининг моҳиятини очиб беришдаги истеъоддларида, Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро, Мухйиддин Ибн Арабий, Шайх Азизиддин Насафий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Раҳимбобо Машраб каби мутасавифлар илгари сурган ғояларнинг моҳиятини кўрсатиб беришдаги зукколикларида, Шайх Фаридиддин Атторнинг “Илоҳийнома”, Султон Валаднинг “Маориф”, Шайх Азизиддин Насафийнинг “Зубдат ул-ҳақойиқ” ва Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний” каби асарларнинг таржималари таржимашуносликдаги ўзига хос маҳоратларида яққол намоён бўлган [4].

Шайх Азизиддин Насафий комил инсонга таъриф бериб, унда тўрт фазилат, яъни яхши феъл, ахши ахлоқ ва маърифат [5] мужассам бўлишини айтган. Устоз Н.Комиловнинг асарларида акс этган поклик, тўғрилик аслида устознинг сийратларида жилваланиб, кўнгилларни нурга тўлдиран. Устоз илмига амал қиласидан, суратлари сийратларига монанд, илм-фан фидойиси, ҳақиқий маънода комиллик тимсоли, бошқа устозларга ўрнак, буюк қалб эгаси бўлганлар.

Устоз Н.Комилов Шарқ мумтоз адабиёти дурдоналарини асл ҳолида сақланишига сабабчи бўлиш билан бирга, Шарқ мумтоз адабиёти билан замонавийликни уйғунлаштирган илоҳиёт, араб, форс тиллари ва адабиёти, Шарқ шеърияти ва мумтоз адабиётини асл ҳолида шарҳлаб бера олганлар [6].

Устоз Н.Комилов фалсафа ва бадиий ижод уйғунлиги акс этган “Ибн Сино ва Данте” [7] асарларида ҳар икки илмни умуминсоний қадриятлар ва қарашларнинг илдизлари призмасида қиёсий ўрганиб, таққослаш усули орқали Шарқу Фарбнинг адабий алоқаларини даврлаштирганлар.

Устоз Н.Комилов адабиёт, фалсафа, тарих, манбашунослик каби йўналишларда юздан ортиқ шогирдлар

етиштириб, уларнинг қалбида тасаввуфга муҳаббат уйгота олганлар. Тасаввуф фалсафаси билан боғлиқ барча тадқиқотчиларнинг доно маслаҳатчиси, улар олиб борган тадқиқотларининг тақризчиси, ўша даврда тасаввуфга доир ёзилган қарийб барча асарларнинг масъул муҳаррири бўлганлар.

Устоз Н.Комиловнинг ўзбек илм-фани, адабиёти, тасаввуф таълимоти ривожидаги хизматларидан яна бири тасаввуфшунослик мактабини яратиб, ижтимоий фанларнинг турли соҳаларида юзлаб тасаввуф илмидан боҳабар, ҳалол, иймонли, садоқатли, фидойи шогирдлар тарбиялашга эришдилар. Улардан фалсафа фанлари докторлари Ж.Холмўминов [8] ҳамда З.Исақова [9] тасаввуфшуносликда устознинг фалсафа йўналиши бўйича шогирдларидир.

Ўзбекистон фалсафа тарихида тасаввуфшунослик мактабининг ўрни кейинги йилларда олиб борилган Шарқ фалсафаси ва тасаввуф, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш бўйича амалга оширилган тадқиқотларда катта из қолдирди. Жумладан, Р.Шодиевнинг Марказий Осиё тасаввуфий таълимотлар генезиси таҳлили [10], Г.Наврӯзованинг тариқатлар ривожида нақшбандия тариқатининг мазмун-моҳияти ва “комил инсон” ғояси [11], М.Жакбаровнинг IX-XII аср Мовароуннаҳр фалсафий тафаккурида ижтимоий идеал ва “комил инсон” муаммоси [12], Н.Сафарованинг Марказий Осиёдаги илк тариқат хожагон тасаввуфий таълимотининг альтруистик ғоялари, Б.Тураевнинг Махдуми Аъзам ва Хожа Исҳоқ Валининг диний-фалсафий меросида инсон моҳияти, О.Шарипованинг Абдулхолик Ғиждувонийнинг фалсафий-ахлоқий қарашлари ва унинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти, Э.Каримовнинг XII-XV асрлар Марказий Осиё тариқатлари генезиси [13], Н.Сафарованинг фундаментализм, экстремизм ва терроризмга қарши ғоявий курашда тасаввуф таълимоти ва ирфоний қарашнинг аҳамияти [14], С. Каримовнинг тасаввуф фалсафаси генезиси [15], М.Маматовнинг тасаввуф таълимотининг тарихий-фалсафий моҳияти [16], Ж.Холмўминовнинг тасаввуф фалсафасининг келиб чиқиши ва “ваҳдат ул-вужуд” таълимотининг нақшбандия тариқатига таъсири [17], М.Хошимхоновнинг Бобораҳим Машраб ва XVII-XVIII асрларда ижтимоий-ахлоқий фикрлар ривожи [18], К.Рўзматзоданинг Хожамназар Ҳувайдо диний-мистик қарашларининг XVII-XVIII асрлар Марказий Осиё тасаввуфи ривожидаги ўрни [19], Г.Юнусованинг Абдулқодир Гийлоний маънавий меросида инсон моҳиятининг фалсафий таҳлилида “фаросатли инсон” масаласи [20], Б.Намозовнинг Муҳаммад Порсо тасаввуфий таълимотининг фалсафий асослари [21], Ф.Музофаровнинг Абу Ҳомид Ғаззолийнинг инсонга муносабати [22], З.Исақованинг ирфон ва унинг Шарқ фалсафий тафаккури

ривожидаги ўрни [23] мавзуси тасаввуф таълимоти ва унинг намояндалари маънавий меросини ўрганишга бағишенланган. Бу каби тадқиқотлар ҳозир ҳам давом этмоқда.

Устоз Н.Комилов тамал тошини қўйган тасаввуфшунослик анъаналарини таникли файласуф олим, Тошкент давлат шарқшунослик университети “Манбашунослик ва тасаввуф герменевтикаси” кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори Жаъфар Холмўминов давом эттириб, жаҳон динларининг тарихи, уларнинг ривожланиш босқичлари эволюцияси жараёнида уларнинг ғоявий асосларини тасаввуф фалсафаси кесимида қиёсий таҳлил ва тадқиқ этиш заруриятидан келиб чиқкан ҳолда фалсафа, қиёсий диншунослик, исломшунослик, манбашунослик, тарих, адабиётшунослик, тилшунослик, психология, социология ва этнология фанларининг туташ нуқталарида ҳосил бўлган янги фан – қиёсий тасаввуфшуносликка асос солди. Бу тасаввуф фалсафасининг генезиси, эволюцияси, праксиологияси билан боғлиқ масалалар тадқиқини бутунлай янги ўлчовлар, танқидий ёндашувлар, илмий мушоҳада ва мантиқий хулосалар асосида тизимли ўрганиш имкониятларини кенгайтиради. Мазкур фан доирасига тасаввуф фалсафасининг мазмуни ва моҳиятини яхлит ҳолда очиб беришга хизмат қиласидан тасаввуф тарихи, тасаввуф манбашуслиги, тасаввуф терминологияси, тасаввуф фалсафаси, тасаввуф фалсафаси герменевтикаси, тасаввуф адабиёти ва тасаввуф адабиёти герменевтикаси каби таркибий қисмлар қамраб олингани билан аҳамиятлидир. Ишонч билан айтиш мумкинки, бу таркибий қисмлар тасаввуф теологияси, тасаввуф этикаси, тасаввуф эстетикаси, тасаввуф социологияси, тасаввуф аксиологияси, тасаввуф психологияси, қиёсий тасаввуфшуносликка доир тадқиқотларининг келажакда ҳам мазмун, ҳам сифат жиҳатидан янги поғоналарга кўтарилишини таъминлайди.

Устоз Ж.Холмўминов тасаввуф фалсафасининг асоси ислом дини эканлиги, унинг назарий ва амалий манбаларга эга эканлигига қўшилган ҳолда назарий манбаларнинг асоси Қуръони Карим ва ҳадиси шариф, дин пешволари ва уламоларининг ғоялари бўлса, амалий манбалари Аллоҳ Расулиниң суннати, ундан келиб чиқадиган саҳобалар одоби, хатти-ҳаракатлари ва ниҳоят, дин пешволари ва уламоларининг фаолиятлари, феъл-атворлари, юриш-туришлари, тасаввуф эса ана шу икки йўналишнинг туташган нуқтаси, деб ҳаққоний белгилаган.

Устоз Н. Комилов эътироф этганларидек, тасаввуфни шеър билан баён этиш – фалсафани, илоҳиётшуносликни шеърга солиш демак. Шу боис тасаввуфий адабиётни том

маънодаги фалсафий адабиёт дейиш ўринли. Шайх Фаридуддин Аттор, Мавлоно Жалолиддин Румий, Муҳийиддин Ибн Арабий, Мавлоно Абдураҳмон Жомий, Мирзо Абдулқодир Бедил муаззам Шарқнинг буюк файласуфларири, лекин уларнинг барча ирфоний асарлари назмда битилган.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Ирфоний асарларни икки қисмга ажратиш мумкин: бир қисмида тасаввуф таълимоти суфиёна истилоҳлар орқали баён этилган бўлиб, Абдулмажид Саноийнинг “Ҳадиқат ул-ҳақойик”, Маҳмуд Шабустарийнинг “Гулшани роз”, Мирзо Абдулқодир Бедилнинг “Муҳит ул-аъзам”, Сайид Қосимиининг “Ҳақиқатнома”, Сўфи Оллоҳёрнинг “Сабот ул-ожизин”, Бобожон Саноийнинг “Канз ул-маориф” каби асарларида мужассамдир. Бу асарлар асрлар оша мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган.

Иккинчи қисм адабиётларда тасаввуфга доир қарашлар кечинма, хаяжон, важд, илоҳий ишқ тараннуми орифона тимсоллар, рамзлар ва мажозлар орқали ифодаланган. Абулмажид Саноийнинг “Сайр ул-ибод”, Шайх Фаридиддин Атторнинг “Илоҳийнома”, “Булбулнома”, “Уштурнома”, Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавии маънавий”, Хусрав Дехлавийнинг “Матлаъ ул-анвор”, Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”, “Лисон ут-тайр” каби асарлари тасаввуфнинг бадиий интерпретацияси бўлиб, сўфиёна-фалсафий маънолар шеърий сатрлар, маснавийлар, рубоийлар, шунингдек, халқ оғзаки ижоди, маталлар, масаллар, ривоятлар, ҳикоятлар, рамзий ташбеҳлар ва бадиий-ифодали тил орқали талқин этилган.

Имом Бухорийнинг ҳадисларини англаш учун ҳадис илмига тегишли атамаларни, Абу Али ибн Синонинг тиббиётга доир асарларини тушуниш учун табобат илмига оид терминларни, Абу Наср Форобийнинг фалсафий қарашларининг маъносига етиш учун фалсафий ибораларни билиш лозим бўлгани каби тасаввуфга доир асарларнинг мағзини тўғри чақиши учун тасаввуф истилоҳларини билиш талаб этилади. Устоз Н. Комиловнинг анъаналарини давом эттирган ҳолда тасаввуфнинг билиш назариясига тегишли компонентлар басират, илҳом, кашф, фаросат, қалб каби бешта гурухга ажратилиб, тасниф этилди. Ирфон компонентлари тасаввуф бўйича кейинги тадқиқотлар учун методологик аҳамиятга эга.

Бугунги кунда ўзбек тасаввуфшуносликдаги анъаналарини давом эттириш, устоз

Биринчидан,

устоз

Н. Комиловнинг

тасаввуфшуносликдаги анъаналарини давом эттириш, устоз

шахсининг ибратли томонларини тадқиқ этиш ва ёш тадқиқотчилар, талабалар ўртасида кенг тарғиб этиш долзарб вазифа бўлиб, Ўзбекистонда тасаввуф университети ҳамда “Нажмиддин Комилов мактаби” ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, тасаввуфий-ирфоний асарларни тушуниш, тушунтириш ва тарғиб этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Маънавияти юксалган жамиятнинг келажаги фаровон бўлади. Маънавият юксалиши учун орифларнинг ҳаёти, ҳикматли сўзлари, фаолияти, асарларидан баҳраманд бўлиш, инсонийлик қиёфасини сақлаб қолиш, одамийлик ва саҳоватпешалик фазилатларини намоён этиш, комиллик сари интилиш зарур. Моддийлик ва маънавият уйғун бўлмас экан, бунинг иложи йўқ. Маънавият ва камолот ҳақидаги ҳикматлар қорни оч одамнинг қулоғига “нон” деб киради. Халқ қорни тўқ бўлганидан кейин китоб ўқишига вақт топади, аксинча, умри бир парча нон топиш учун ўтадиган халқнинг китоб ўқишига вақти ҳам, имконияти ҳам бўлмайди. Адолат барқарор бўлган жамиятда инсон бир парча нонни ҳалол топиш ва вақтини илм олишга сарфлайди.

Учинчидан, тасаввуф Шарқ менталитети ва маънавияти билан чамбарчас боғлиқ. Тасаввуфга яқинлашиш учун уни севиш, тасаввуфга доир асарларни ўқиши лозим. Бу, ўз навбатида, ўқувчидан тил ўрганишни, мукаммал изоҳли луғатлар билан ишлаш кўникмасига эга бўлишни, тафаккур тарзи, дунёқараши кенг бўлишни талаб этади. Бунинг учун тасаввуфга доир кенг кўламли тадқиқотларни кўпайтириш, мукаммал изоҳли луғатлар, энциклопедиялар, тасаввуфий-ирфоний асарларнинг табдилий-шарҳли нашрларини амалга оширишни тақозо этади.

Тўртинчидан, тасаввуф алломалари ўз асарларини кутубхоналарнинг қоронги хоналарида сақланиши ёки қўлёзмалар фондидаги “олтин фонд” сифатида сақланиши учун ёзмаганлар. Уларнинг бу асарларни ёзишдан эзгу мақсадлари келажакни янада такомиллашган ва ахлоқийлашган, янада гўзаллашган ҳолда кўриш бўлган. Аждодларнинг маънавий мероси тадқиқотчи ва изланувчиларга муҳтож. Бунинг учун бир неча хориж тилларни билиш кўникмаларини кучайтириш, тарих, фалсафа, манбашунослик масалаларини чуқур ўзлаштириш, адабий таҳrir каби мукаммал билимларга эга бўлиш лозим. Тасаввуф маънавият булоғи, устоз устоз Нажмиддин Комилов таъбири билан айтганда, “хизр чашмаси”дир. Ундан қанчалик қониб ичган инсон шунчалик маънавий юксалади.

ХУЛОСА

Хуллас, тасаввуф алломалари ўз даври учун тўғри бўлган ўзига хос ғоялар мажмумини кашф этганлар. Устоз Н.Комилов бу ғояларни янгича ва замонавий рухда етказишга эришдилар. Бугуннинг вазифаси бу ғояларни замонга кўр-кўронга кўчириш эмас. Башарият бугун ҳикматга муҳтож. Миллати ва динидан қатъи назар, ўз ҳаёт йўлини, мақсадини йўқотиб қўйган ҳар бир инсон қалбининг илоҳийлигини англаш орқали орифларнинг билимларидан фойдалана олади. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида белгиланган “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепциясининг миллий дастури учун ирфонийлик ва дунёвийлик тамоилиини таълим муассасаларига жорий этиш ва маънавий-маърифий ишларни шу асосда йўлга қўйиш бугуннинг талабидир.

REFERENCES

1. Нажмиддин Комилов (1937 йил 5 октябрь, Панжикент тумани, Тоҷикистон – 2012 йил 26 апрель Тошкент) адабиётшунос олим, филология фанлари доктори (1975), профессор (1991). Ўзбек тасаввуф мактаби анъаналари асосчиси.
2. Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. I китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – 272 б.
3. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 5.
4. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. Форс тожик тилидан Нажмиддин Комилов таржимаси. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1994. –112 б; Комил инсон ҳақида тўрт рисола / Форс-тожик тилидан Н.Комилов таржимаси. – Тошкент: Маънавият, 1997. – 280 б; Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома / Таржима, талқин, тафсир муаллифи Н.Комилов. – Тошкент: Ёзувчи, 1994. – 96 б.
5. Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойик / Форс-тодик тилидан Н.Комилов таржимаси. – Тошкент: Камалак, 1995. – Б. 5.
6. Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Тошкент: Фан, 1979; Унинг ўзи: Ибн Сино ва Данте. – Тошкент, 1983; Бу қадимий санъат. – Тошкент: Фан, 1988; Унинг ўзи: Тафаккур карvonлари. – Тошкент: Маънавият, 1999; Унинг ўзи: Нажмиддин Кубро. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1995; Унинг ўзи: Тасаввуф. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996; Унинг ўзи: Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. – Тошкент: Ўзбекистон – Faafur Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1999; Унинг ўзи: Фақр нури порлаган қалб. – Тошкент, 2001; Унинг ўзи: Хизр чашмаси. – Тошкент, 2005.

7. Комилов Н. Ибн Сино ва Данте. – Тошкент, 1983.
8. Холмўминов Ж. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти (Монография). – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – 236 б.; Унинг ўзи: Dschami in Europa (Жомий Европада (Рисола). Немис тилига А.Рахмонов таржимаси). – Тошкент: Yangi nashr, 2016. – 28 б.; Унинг ўзи: Нақшбандия таълимоти ва Марказий Осиё халқлари маънавий бирлиги (Рисола). – Тошкент: Янги нашр, 2018. – 28 б.; Унинг ўзи: Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси ва Нақшбандия таълимоти (Ибн ал-Арабий, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор Валий ва Мавлоно Абдураҳмон Жомий қарашлари асосида). (Монография). – Тошкент: Tafakkur, 2020. – 324 б.: Унинг ўзи: Хожа Муҳаммад Порсо Бухорий. Ҳаёти ва фалсафий-ирфоний мероси (Рисола). – Тошкент: Tafakkur tomchilar, 2020. – 44 б.; Унинг ўзи: Қиёсий тасаввуфшунослик. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2021. 266 б.
9. Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини. Монография. – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2011. – 296 б. Унинг ўзи: Шайх Нажмиддин Кубро. – Тошкент: O'zbekiston, 2013. – 136 б.; Унинг ўзи: Машраб. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – 128 б.; Унинг ўзи: Комиллик калити. Монография. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2016. – 252 б. Унинг ўзи: Shayx Najmiddin Kubro. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 136 б.; Унинг ўзи: Хожа Аҳрор Валий. – Тошкент: O'zbekiston, 2017. – 168 б.; Унинг ўзи: Сўфи Оллоҳёр. – Тошкент: O'zbekiston, 2018. – 145 б.;
10. Шодиев Р. Суфизм в духовной жизни народов средней Азии (IX-XIII вв). Автореф. дисс. докт. филос. наук. – Тошкент, 1993. – 34 с.
11. Навruzова Г.Н. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Фалс. фан. док. дис. автореф. – Тошкент, 2002. – 32 б.
15. Жакбаров М. IX-XII аср Мовароуннаҳр фалсафий фикрида ижтимоий идеал ва комил инсон муаммоси. Фалс. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент, 2000.
16. Каримов Э. Суфийские тарикаты в Центральной Азии XII-XV веков. Автореф. дис. докт. ист. наук. – Ташкент, 1998.
17. Сафарова Н. Фундаментализм, экстремизм ва терроризмга қарши ғоявий курашда тасаввуф таълимотини ва ирфоний қарашларнинг аҳамияти. Фалс. фан. док. дисс. автореферати. – Тошкент, 2004.
18. Каримов С. Тасаввуф фалсафаси. – Самарқанд: Самарқанд нашриёти, 2021.

19. Маматов М. Тасаввуф таълимотининг тарихий-фалсафий моҳияти. Фалс. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент, 2018.
20. Холмўминов Ж. Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси ва унинг нақшбандия таълимотига таъсири. Фалс. фан. док. (DSc) дис. автореф. – Тошкент, 2020. – 64 б.
21. Хошимхонов М. Бобораҳим Машраб ва XVII-XVIII асрларда ижтимоий-ахлоқий фикр ривожи. Фалсафа фанлари доктори (DSc) дисс. автореф. – Самарқанд, 2018.
22. Рӯзматзода Қ. Хожамназар Ҳувайдо диний-мистик қарашларининг XVII-XVIII асрлар Марказий Осиё тасаввуфи ривожидаги ўрни. Фалс. фан. док. дисс. автореферати. – Тошкент, 2020.
23. Юнусова Г. Абдулқодир Гийлоний маънавий меросида инсон моҳиятининг фалсафий таҳлили. Фалс. фан. док. дисс. автореферати. – Самарқанд, 2019.